

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИННОВАЦИОН БИЛИМЛАРИНИ АМАЛИЁТДА ЖОРИЙ ЭТИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Сатторова Дилшода Джавлиевна

Термиз давлат педагогика институти

Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши ва малака ошириши курсларида ўзлаштирилган инновацион билимларини амалиётда жорий этиши педагогик технологиялари фойдаланиши ҳақида ёритилган. Инновацион фаолиятнинг асосий кўрсаткичи шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнида кафолатланган натижани қўлга киритишида фойдаланади. Ўқитувчининг анъанавий педагогик фаолияти эса ўқувчиларга билимларни сингдириши ва уларнинг ўзлаштирган натижаларини аниқлашни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: *Инновация, педагогик фаолият, педагогик маҳорат; педагогик ижодкорлик, шахсга йўналтирилган таълим, педагогик технология.*

Абстрактный: *В данной статье описано использование педагогических технологий для реализации инновационных знаний, полученных на курсах повышения квалификации и повышения квалификации педагогов. Главный показатель инновационной деятельности выражается в достижении гарантированного результата в процессе образования и направленных на личность знаний. Традиционная педагогическая деятельность учителя включает в себя передачу знаний учащимся и определение результатов их овладения.*

Ключевые слова: *Инновация, педагогическая деятельность, педагогическое мастерство; педагогическое творчество, личностно-ориентированное образование, педагогическая технология.*

Abstract: *This article describes the use of pedagogical technologies to implement innovative knowledge acquired in professional development and professional development courses of teachers. The main indicator of innovative activity is expressed in the achievement of a guaranteed result in the process of education and knowledge directed to the individual. The traditional pedagogical activity of the teacher includes imparting knowledge to students and determining the results of their mastery.*

Key words: *Innovation, pedagogical activity, pedagogical skills; pedagogical creativity, person-oriented education, pedagogical technology.*

Таълим муассасалари таълим соҳасидаги ислохотларнинг авангарди ва янги педагогик ғоялар, назариялар, концепциялар ва технологияларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича экспериментал марказлардир. Педагогик инновациялар бўйича тадқиқотларда таълим муассасаларининг инновацияларни татбиқ этишга тайёрлигига, уларни ривожлантиришнинг ягона мумкин бўлган йўли ва сифатли таълимни таъминлашда рақобатбардошлигини таъминлашга катта эътибор берилади. Инновацион таълим

муассасаси тизимли ва функционал жиҳатдан доимий янгилашиб турадиган, нафақат жамиятдаги мавжуд ўзгаришларга жавоб берадиган, балки уларни башорат қиладиган, жараёндаги таълим вазибаларини олдиндан ҳал қилиш учун ўз имкониятларини ривожлантиришни стратегик режалаштирадиган очиқ ижтимоий-педагогик тизим сифатида тавсифланади.

Маълумки, ўқитувчининг инновацион фаолияти билан анъанавий фаолияти умумий ва фарқли жиҳатларга эга. Умумийлик ҳақида фикр юритилганда қуйидаги ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар икки йўналишдаги фаолият ҳам ўқитувчилар томонидан ўрганилади, таҳлил қилинади ва амалиётга татбиқ этилади. Инновацион фаолиятнинг асосий кўрсаткичи шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнида кафолатланган натижани қўлга киритишда ифодаланади. Ўқитувчининг анъанавий педагогик фаолияти эса ўқувчиларга билимларни сингдириш ва уларнинг ўзлаштирган натижаларини аниқлашни ўз ичига олади. Бу натижалар ўқувчиларнинг мустақиллик даражалари билан эмас, балки билимдонлик даражасини муайян миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш билан белгиланади.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчининг анъанавий педагогик фаолияти билан инновацион ёндашувлари ўзаро мутаносибликда ривожланиб такомиллашиб бориши лозим. Инновацион фаолиятни анъанавий педагогик фаолиятга қарши қўйиш мутлақо нотўғридир. Ўқитувчининг анъанавий педагогик фаолияти унинг инновацион фаолиятига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти қуйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин:

- ўқитувчининг педагогик маҳорати;
- ўқитувчининг педагогик ижодкорлиги;
- ўқитувчининг инновацион усулларни ўзлаштириши ва шахсга йўналтирилган таълим жараёнида қўллаш тажрибаси.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти - унинг педагогика илми ва ўз фанини ўқитиш методикасида мавжуд бўлган, илмий жиҳатдан асосланган усуллар, методлар, технологияларни ўз амалий фаолиятида қўллаш маҳоратидир. Ўқитувчининг педагогик маҳорати узлуксиз малака ошириш жараёнида янгиликларни ўзлаштириши ва ўз фаолиятида қўллаши натижасида бойиб боради. Муайян касбий педагогик фаолият маҳоратини эгаллаган ўқитувчилар учун қуйидагилар хосдир:

- ўқув топшириқларини таълим мазмуни ва синфдаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда танлай олиш тажрибасига эгаллиги;
- ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини бошқариш ва муносиб рағбатлантириш кўникмасининг мавжудлиги;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини самарали ташкил этиш, баҳолаш ва тескари алоқани йўлга қўя олиши;
- модернизациялашган таълим жараёнини мустақил ташкил эта олиши;
- ўз иш услуби ва фаолият йўналишига эга бўлиши;

- шахсга йўналтирилган таълим жаарёнини муваффақиятли ташкил этиши ва кафолатланган натижа олиш имкониятига эгалиги;

- ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларини самарали ташкил эта олиши; - таълим жараёнини медиа, аудио-видео воситалар билан ташкил эта олиш тажрибасини ўзлаштирганлиги кабилар.

Агар ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини такомиллаштирмасдан, янгилик киритмасдан узок давр мобайнида бир хилда ўқувчиларга билимларни анъанавий тарзда тақдим этиш асосида амалга оширса, мазкур жараён анъанавий ўқитиш жараёни, ўқитувчининг фаолияти эса анъанавий педагогик фаолият сифатида баҳоланади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига хос бўлган усуллардан бири - унинг педагогик ижодкорлигидир. Ижодкор ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг муайян элементларидан самарали фойдалана олиш тажрибасини ўзлаштирганликлари билан ажралиб турадилар. Педагогик ижодкорлик лаёқатига эга бўлган ўқитувчилар ўз фаолиятлари давомида муайян иш усуллари ва дидактик воситаларни модернизациялаштириш, янги дидактик воситаларни танлаш, уларни амалиётда қўллаш, ўқувчиларнинг ижодий лаёқатларини рўёбга чиқариш кўникмасига эга бўладилар.

Ўқитувчининг анаъавий ҳамда инновацион педагогик фаолияти орасида алоҳида ўтиш босқичи мавжуд бўлиб, мазкур босқич ўқитувчининг ижодкорлигида ўз ифодасини топади. Ўқитувчининг ижодкорлиги унинг ўз малакасини узлуксиз оширишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг инновацион усулларни ўзлаштириши ва шахсга йўналтирилган таълим жараёнида қўллаш тажрибаси, яъни унинг новаторлиги - ўқув-тарбия жараёнини ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятларига йўналтириш асосида лойиҳалаш ва ташкил этиш йўллари, воситалари, усуллари, методлари ва технологияларини ўзлаштиришга қаратилган педагогик фаолиятдир.

Ўқитувчиларнинг малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган фаолият жараёнида мактаб раҳбарлари уларнинг фаолиятларини педагогик маҳорат, педагогик ижодкорлик ҳамда ўқитувчининг инновацион усулларни ўзлаштириши ва шахсга йўналтирилган таълим жараёнида қўллаш тажрибасига эгалиги, яъни новаторликка ажратган ҳолда амалга оширишлари мумкин эмас. Чунки ўқитувчи инновацион фаолиятининг ушбу таркибий қисмлари бир-бирини тақозо қилиб, яхлит тарзда ривожлантирилади. Ўқитувчиларнинг малакасини узлуксиз оширишда уларнинг инновацион фаолиятига яхлит педагогик ҳодиса сифатида методологик нуқтаи назардан ёндашиш талаб этилади.

Бу жараёнда ўқитувчиларга қуйидаги йўналишлардаги билимларни чуқур сингдириш муҳим ҳисобланади:

- ўқитувчиларни ўқувчиларга ҳар томонлама таъсир кўрсатишларини таъминловчи инновацион усуллар билан қуроллантириш;

-ўқитувчиларнинг инновацион педагогик технологиялар билан ишлаш маҳоратларини мунтазам оширишга йўналтирилган методик хизмат мазмунини бойитиш;

- ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятларини давр талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган таълим мазмунини назарий жиҳатдан асослаш кабилар.

Малака ошириш курсларида узлуксиз касбий ривожлантиришда таълим олишнинг қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш;

масофавий таълим;

дуал таълим;

мустақил таълим;

малака оширишнинг муқобил шакллари.

Ўқитувчи ўз малакасини узлуксиз ошириши жараёнида турли илмий манбалар ёрдамида муайян инновацион усулларга хос бўлган қарашлар ва ёндашувларнинг исботланганлиги, педагогик назарияларнинг ҳаққонийлиги ва улардан таълим амалиётида фойдаланиш имконини берадиган тавсияларнинг мавжудлиги билан яқиндан танишиши лозим.

Малака ошириш курсларида ижодий муҳитни ривожлантириш, малака ошириш курси тингловчиларининг инновацион фаоллигини оширишда, уларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг бир қатор асосий жиҳатларини ҳисобга олиш ва бунда, энг аввало умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг ижодий тафаккурни ривожлантириш, уларда муаммоли, ижодий вазифаларни таҳлил қилиш ва ечимини излаб топиш компетентлигини таркиб топтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ЎММ / Туз.: Усмонбоева М.Х. ва б. -Т.: ТДПУ, 2016. – 239 б.

2. Азизходжаева Н.Н. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. -Тошкент, 2007 й. – 48 б.

3. Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – Москва: Изд-во ИКАР, 2009. – 107 с.

4. Saidnazarova G. Bo‘lajak o‘qituvchilar kasbiy madaniyatini shakllantirishning pedagogik asoslari // Respublika ilmiy-nazariy konferensiya. Buxoro davlat universiteti. 2019-yil. 26-27-aprel. – 68 b.

5. Xodjayev V.X. Umumiy pedagogika Darslik. – Toshkent: «Sano-standart» nashriyoti, 2017-yil. – 65 b.